

Сийрат хатмонасига марҳабо!



16:36 / 17.10.2022 1447

Аллоҳ Таоло зикрини баланд, қадрини олий қилган, йўл кўрсатувчи нурли чироқ бўлган зот – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини ўрганишга бағишлаб, «**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**» жомеъ масжидида «**Дунё Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ёруғдир**» шиори остида олиб борилган маърифий суҳбатлар якунига етиб бормоқда.

Шу муносабат билан, масжидда жорий йилнинг **26 октябрь** куни **шом намозидан сўнг** мазкур анъанавий суҳбатларнинг хатмонаси сифатида катта тадбир бўлиб ўтади. Унга юртимиздаги мўътабар уламолар, аҳли илмлар, имом-хатиблар таклиф қилинган. Жанобимиз ҳақларида янграйдиган гўзал маърузалар ва дил изҳорларидан баҳраманд бўлинг.

Тадбирда «**Нурул яқин**» китобининг Абулазим Зиёуддин домла тарафидан тайёрланган таржимасининг **1-жузи** асосида савол-жавоб бўлиб ўтади. Ушбу мусобақада қатнашишни истаган кишилар мазкур китобни ўқиб, тайёрланиб келишлари сўралади. Тўғри жавоб соҳибларига совғалар ҳозирланган.

Мавлид байрами islom.uz порталининг барча ижтимоий тармоқлари орқали жонли тақдим этиб борилади.

Барча диндош ака-ука, опа-сингилларимизни ушбу файзли мажлисга таклиф этамиз!